

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

А Х Б О Р О Т Х А Т И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 мартдаги 126-сон буйруғига мувофиқ Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида **2019 йил 17-18 май** кунлари **“Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида инвестицион-қурилиш ва инновацион жараёнларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари”** мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжумани ташкил этилмоқда.

Анжуман мақсади: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини либераллаштириш шароитида инновацион бошқарувни такомиллаштириш ва илғор хорижий тажрибани қўллаш асосида инвестицион-қурилиш соҳани ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар тақдим қилишдан иборат.

Анжуманда қуйидаги йўналишлар бўйича маърузаларни тинглаш кўзда тутилган:

1. Ўзбекистонда қурилиш комплексини жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг долзарб муаммолари.

2. Қурилишда лойihalаш, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва технологияларини қўллашнинг долзарб масалалари.

3. Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида корхоналарнинг инновацион ривожлантириш ва бошқариш муаммолари.

4. Инвестицион-қурилиш жараёнларининг сифати ва иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари.

5. Ўзбекистонда қурилиш хизматлари ва кўчмас мулк бозорини ривожлантириш муаммолари;

Анжуман материаллари бўйича маърузалар тўплами чоп этилади, шу боис, қуйида келтирилган талаблар асосида расмийлаштирилган маъруза ва тезисларингизни **2019 йил 20 апрелгача** ташкилий қўмита номига жўнатишингизни сўраймиз.

Почта манзилимиз: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси 70. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти. Анжуман ўтказиш бўйича ташкилий қўмита. Электрон манзил: anjumangasi2019@mail.ru

Маълумотлар учун: Буриев Хаким Тошимович (сот.: +998 93 359 95 59, иш.: +998 66 237 48 65), **Мирзаев Зафар** (сот.: +998 93 344 20 89) га мурожаат этиш мумкин.

Маърузаларни расмийлаштиришга доир талаблар:

1. Маърузалар матни ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади ва материаллар 3-5 бетдан иборат бўлиши лозим.

2. Маърузалар матни А4 ўлчамдаги қоғозда, Microsoft Word (RTF шаклида) дастурида **Times New Roman** редакторида ёзилган ҳолда қатор оралари 1,5 интервал, 14 шрифтда, чап, ўнг, юқори ва пастки чегаралари 20 мм бўлиши лозим. Сахифалар рақамланмайди, сўзлар қаторларга кўчирилмайди.

3. Маърузалар матнининг биринчи қаторида чап чегарадан катта ҳарфлар билан 1 интервалда маъруза номи, кейинги қаторда кичик ҳарфларда муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, маъруза жўнатиладиган шўъба номи ёзилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати маъруза охирида келтирилади.

4. Бир муаллифдан юборилган маърузалар матни сони иккитадан ошмасиги лозим. Маърузалар матни ва тезисларда келтирилган маълумотларга муаллифнинг шахсан ўзи жавобгар ҳисобланади.

5. Ташкилий қўмита юборилган маърузалар матни ва тезисларни таҳлил қилиш ҳуқуқига эга. Анжуман мавзусига мос бўлмаган, талабларга жавоб бермайдиган ва кечикиб жўнатилган маърузалар матни ва тезислар чоп этилмайди, қўлёзмалари қайтарилмайди.

6. Муаллифлик бадали маърузалар матнининг ҳар бир саҳифаси учун 15 000 сўм миқдорда белгиланган бўлиб, ушбу тўлов ташкилий қўмита томонидан маъруза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабардан кейин амалга оширилади. Тўловни пул кўчириш ёки нақд пул

кўринишида амалга ошириш мумкин. (Тўлов амалга оширилганидан сўнг ташкилий қўмига телефон орқали маълум қилиб, тўлов рақами ва санасини иштирокчи ҳақида маълумотда кўрсатилиб anjumangasi2019@mail.ru га юбориш лозим).

ҲИСОБ РАҚАМ

ШҲВ: 4001 1086 0184 0179 5010 0079 013, СТИРи: 201 213 353,

ОКОНХ: 92110, МФО: 00283

Молия вазирлиги ғазначилиги Самарқанд вилояти бўйича ғазначилик бошқармаси;

Ғазна Ҳ/В: 23 402 000 300 100 001 010 Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бошқармаси

МФО: 00014, ОКОНХ: 97160, СТИРи: 201 122 919

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИГА

Илова

Анжуман иштирокчиси анкетаси

| “Иқтисодийни либераллаштириш шароитида инвестицион-қурилиш ва инновацион жараёнларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани иштирокчиси ҳақида маълумот | |
|--|--|
| Муаллифнинг Ф.И.Ш.: | |
| Иш жойи: | |
| Лавозими: | |
| Илмий даражаси: | |
| Илмий унвони: | |
| Телефон рақами ва электрон почта манзили: | |
| Маъруза тури (ялпи мажлисда, шўба йиғилишида) | |
| Шўба йўналиши: | |
| Маъруза номи: | |
| Тўловни амалга оширилиши | |
| Меҳмонхонага эҳтиёж (ҳа/йўқ) | |

Мақола, тезисни расмийлаштириш намунаси

Шўба 4

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Воҳидов А.В.

(Илмий даражаси, унвони) Самарқанд давлат архитектура -қурилиш институти

Муаллифнинг E – mail ва телефон рақами (алоқа боғлаш учун ушбу маълумот тўпламда чоп этилмайди)

Аннотация: (3-5 сатр)

Калит сўзлар (3-6 та сўз)

Кириш (мавзу бўйича ҳукумат қарорлари, мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифаси, тадқиқот объекти)

МАТН.....

.....

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар

1.

2.

3.